



НОКИМИ

ҲОКИМИ

## Q A R O R

2010 yil "12" aprel

Samarqand tumani

545-Q Sonli

Тумандаги "EGZOTIKA PLUS SAVDO" масъулияти чекланган жамиятига қўшимча 1,24 га ер майдони ажратиш ҳақида.

Тумандаги "EGZOTIKA PLUS SAVDO" масъулияти чекланган жамияти туман ҳоқими номига хат билан мурожаат этиб, қўшимча бино-иншоотлар қуриш учун 1,24 га ер майдони ажратишга амалий ёрдам беришни сўраган.

Юқоридагиларни, туман ҳоқимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2010 йил 9 апрелдаги 27-сонли хулосаси, Самарқанд вилоят Давлат экологик экспертизасининг 2010 йил 8 февралдаги 18/90д сонли хулосаси, ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси ҳамда "EGZOTIKA PLUS SAVDO" масъулияти чекланган жамиятининг туман ҳоқими номига ёзган хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23-моддасига асосан,

### Қарор қиламан:

1. Туман ҳоқимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2010 йил 9 апрелдаги 27-сонли хулосаси ва ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. "EGZOTIKA PLUS SAVDO" масъулияти чекланган жамиятига "Янгиарик агротехсервис" агрофирмаси ер харитасининг 346-контуридан қўшимча бино-иншоотлар қуриш учун жами 1,24 га (шундан: 1,24 га туман захира ерлари ҳисобидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.

3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2011 йил 1 январ ҳолати ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (З.Аминов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ш.Бурхонов)га топширилсин.

5. Қўшимча бино-иншоотлар қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8, 39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб, Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси "EGZOTIKA PLUS SAVDO" масъулияти чекланган жамияти директори Мирзаев Сайфиддинга топширилсин.

6. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳоқимининг биринчи ўринбосари Б.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳоқими:

Б. Садуллаев





НОКИМИ

ҲОКИМИ

## Қ А Р О Р

2010 yil, 12 aprel

№ 646-К  
Самарқанд тумани

“Фирўза” масъулияти чекланган жамиятига “Каттакўрғонарик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Қўйи Туркман” маҳалласи худудидан савдо дўкони, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш мажмуаси қуришга ер майдони ажратиш ва рухсат бериш тўғрисида”

“Фирўза” масъулияти чекланган жамияти туман ҳокими номига хат билан мурожаат қилиб, тумандаги “Каттакўрғонарик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Қўйи Туркман” маҳалласида ободонлаштириш учун ажратилган ер майдони худудидан савдо дўкони, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш мажмуаси қуришга ҳамда қўшимча ер майдони ажратишга рухсат беришни сўраган.

Юқоридагиларни, туман ҳокимининг 2009 йил 18 февралдаги 165-Қ сонли қарори, туман ер танлаш ҳайъатининг далолатномаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳамда “Ер кодекси”нинг 23 моддаси ва «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 20 моддасига асосан

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Тумандаги “Фирўза” масъулияти чекланган жамиятига “Каттакўрғонарик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Қўйи Туркман” маҳалласи худудидан ободонлаштириш учун ажратилган 152 м.кв да ҳамда қўшимча 288 м.кв. қишлоқ хужалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан жами масоҳати 440 м.кв савдо дўкони, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш мажмуаси қуришга ер майдони ажратиш ва рухсат бериш тўғрисидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. “Фирўза” масъулияти чекланган жамиятига савдо дўкони, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш мажмуаси қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа хужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев





НОКИМИ

ҲОКИМИ

## Q A R O R

2010 yil "17" aprel

Samarqand tumani

657-Q Sonli

“Давлатбек-95” масъулияти чекланган жамиятига тегишли автомобилларга суюлтирилган кўчма газ қуйиш шахобчасини турғун (стационар) ҳолатига келтириб қайта қуриш ҳамда ободонлаштириш ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун 0,30 га ер майдони ажратиш ҳақида.

Тумандаги “Давлатбек-95” масъулияти чекланган жамияти туман ҳокими номига хат билан мурожаат этиб, “Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Гулистон агротехсервис” массивидаги мавжуд автомобилларга суюлтирилган кўчма газ қуйиш шахобчасини турғун (стационар) ҳолатига келтириб қайта қуриш ҳамда ободонлаштириш ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси қуришга ер майдони ажратишни сўраган.

Юқоридагиларни, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2010 йил 2 апрелдаги 24-сонли хулосаси, туман ҳокимининг 2000 йил 7 августдаги 410-Қ сонли қарори, Самарқанд вилоят Давлат экологик экспертизасининг 2010 йил 24 мартдаги 261-сонли хулосаси, ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси ҳамда “Давлатбек-95” масъулияти чекланган жамиятининг туман ҳокими номига ёзган хатини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 20-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 ва 26-моддаларига асосан,

### Қарор қиламан:

1. Тумандаги “Давлатбек-95” масъулияти чекланган жамиятига туман ҳокимининг 2000 йил 7 августдаги 410-Қ сонли қарори асосида “Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Гулистон агротехсервис” массивидан ажратилган 0,14 га ер майдонида жойлашган мавжуд автомобилларга суюлтирилган кўчма газ қуйиш шахобчасини турғун (стационар) ҳолатига келтириб қайта қуриб, АСГҚШга айлантириш ҳамда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун 832-контурдан қўшимча 0,30 га (шундан: 0,30 га қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган туман захира ерлари) ажратиш ҳақидаги туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2010 йил 2 апрелдаги 24-сонли хулосаси ва ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2011 йил 1 январ ҳолати ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (З.Аминов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ш.Бурхонов)га топширилсин.

3. Мавжуд АСГҚШни қайта қуриш ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8, 39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб, Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси “Давлатбек-95” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси Р.Т.Мухторовга топширилсин.

4. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими:

Б. Садуллаев





НОКИМИ

ҲОКИМИ

## Q A R O R

2010 yil "18" aprel

Samarqand tumani

665-Q Sonli

**“RUSTAM VIDEO DELUX” хусусий корхонасига кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи, маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш мажмуаси қуриш учун 0,50 га ер майдони ажратиш ҳақида.**

“RUSTAM VIDEO DELUX” хусусий корхонаси туман ҳоқими номига хат билан мурожаат қилиб, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи, маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш мажмуаси қуриш учун ер майдони ажратишга амалий ёрдам беришни сўраган.

Юқоридагиларни, туман ҳоқимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2010 йил 16 апрелдаги 32-сонли хулосаси, ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси, Самарқанд вилоят Давлат экологик экспертизасининг 2010 йил 5 апрелдаги 291-сонли хулосаси ва “RUSTAM VIDEO DELUX” хусусий корхонасининг туман ҳоқимлигига берган хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 23-моддасига асосан,

### Қарор қиламан:

1. Туман ҳоқимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2010 йил 16 апрелдаги 32-сонли хулосаси ва ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. “RUSTAM VIDEO DELUX” хусусий корхонасига кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи, маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш мажмуаси қуриш учун “Қаттақўрғонарик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Чордара агротехсервис” массиви ер харитасининг 64-контуридан жами 0,50 га (шундан: 0,50 га туман ҳоқимлиги захира ерлари ҳисобидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.

3. Кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи, маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш мажмуаси қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 8, 9 ва 54-моддаларига амал қилинган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб, Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси “RUSTAM VIDEO DELUX” хусусий корхонаси раҳбари Р.Н.Хўжамқуловга топширилсин.

4. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2011 йил 1 январ ҳолати ер балансига ўзгартириш қилиниши туман Давлат солиқ инспекцияси (З. Аминов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ш.Бурхонов)га топширилсин.

5. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳоқимининг биринчи ўринбосари Б.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳоқими

Б. Садуллаев